

**Электрон тендер савдосини ташкил этиш ва ўтказиш
хизмати кўрсатиш**

ШАРТНОМАСИ № 27

2022 йил “19” апрел

Фарғона шахри

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Фарғона вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази директори А.Иргашев, (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб аталади) бир томондан, «Капитал қурилиш соҳасидаги буюртмачи хизмати» директори Х.Долимов (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталади) иккинчи томондан, ушбу шартномани кўйидагилар тўғрисида туздилар.

1. Шартнома предмети.

1.1. Ижрочи буюртмачининг топшириғи билан қуйидаги: «Фарғона тумани Дўстлик МФЙ, Ариқ-бўйи кўчаси 1-уйдаги 335-ўқув ўринли 28-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш (220 ўқув жойи қуриш ҳамда 315 ўқувчига мўлжалланган ўқув блоқини мукамал таъмирлаш) объекти» объекти буйича тендер савдосини ташкил этиш ва ўтказиш хизматларини бажариш, буюртмачи эса кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

2. Шартнома баҳоси.

2.1. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирининг 2022 йил 11 февралдаги 18-сонли буйруғи билан тасдиқланган калькуляцияга асосан бир шартнома бўйича қиймати қурилиш соҳасидаги электрон тендерлар учун 2 000 000 (икки миллион) сўмни ташкил этади.

3. Тўлов шартлари.

3.1. Ушбу шартнома бўйича тўловлар – буюртмачи томонидан шартнома баҳосининг 30% бўнак (аванс)ни олдиндан, қолган 70% хизматлар тўла бажарилиб, буюртмачига тегишли далолатнома билан топширилган кундан, инвестор томонидан ажратилган маблагдан қонунда белгиланган муддатда, пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Мажбуриятларни бажариш муддатлари.

4.1. Ижрочи ушбу шартномада назарда тутилган ишларни буюртмачи томонидан тендер савдолари ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур ҳужжатларни электрон шаклда тақдим қилгандан кейин белгиланган муддатда бажаради.

4.2. Шартнома иккала томон имзолаган кундан бошлаб буюртмачи охириги тўловни тўлиқ ўтказиб бермагунча амалда бўлади.

5. Тарафлар мажбуриятлари.

5.1. Ижрочи:

5.1.1. Ўз имкониятлари ва воситалари билан тендер савдосини ташкил этиш ва ўтказишни тўлиқ ҳажмда ва муддатида бажаришни ўз зиммасига олади.

5.1.2. Тендер савдоси ташкил этиш ва ўтказиш буюртмачи томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2022 йил 31 январдаги 46-сонли қарори билан тасдиқланган низомга асосан амалга оширади.

5.2. Буюртмачи:

5.2.1. Шартнома имзоланганидан кейин ижрочига 3 банк куни ичида тендер савдосини ташкил этиш ва ўтказиш учун талаб этиладиган барча зарур ҳужжатларни электрон шаклда топширади.

5.2.2. Ушбу шартномада назарда тутилган ишларга, шартноманинг иловаларида белгиланган миқдорда ва муддатда ижрочига шартнома баҳосини тўлайди.

6. Тарафлар жавобгарлиги.

6.1. Ижрочи тендер савдосини бажармаган тақдирда буюртмачига хизматларни топшириш кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдоридан пеня тўлайди, бироқ пеня миқдори бажарилмаган мажбурият суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.2. Буюртмачи тўловни ўз вақтида тўламаганлик учун ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, аммо пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.3. Тарафлардан бири ушбу шартнома бўйича бошқа мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган холларда айбдор томон бошқа томон кўрган зарарларни қонун ҳужжатларига асосан қоплайди.

6.4. Неустойка тўлаш томонларни ушбу шартнома мажбуриятларини бажариш ёки бузилган ҳуқуқни бартараф этишдан озод этмайди.

6.5. Томонларнинг биронтаси ҳам бошқа томон олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларини уз эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билишни ёки бартараф этиш мумкин бўлмаган холлар, бунга омбарго, зилзила, сув босиш, ёнғин ва бошқа табиий офатлар билан боғлиқ холларда бажармаганликлари учун (форс-мажор холларида) жавобгар бўлмайди.

7. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

7.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартномани тузиш, узгартириш ва бекор қилиш бўйича ҳамда уни бажарилиши билан боғлиқ пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокаралар орқали ҳал қилинади.

7.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

8. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби.

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштириб, ҳар иккала томон имзолаган холлардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартнома томонларнинг хоҳиши ва келишуви билан исталган вақтда узгартирилиши, муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин. Шартнома, шунингдек, бир томон уни жиддий бузганида, иккинчи томоннинг ташаббуси билан, бу ҳақда бу томонни 7 кун олдин ёзма огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақли, бунда иккинчи томон қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича узига етказилган зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

9. Бошқа шартлар.

9.1. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга 3 (уч) нусхада тузилди ва 2022 йил 31 декабрга қадар кучда бўлади.

9.2. Шартнома Ғазначилик рўйхатидан ўтгандан сўнг кучга қиради.

10. Томонларнинг юридик манзиллари ва тўлов реквизитлари:

«ИЖРОЧИ»	«БУЮРТМАЧИ»
<p>Фарғона вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази</p> <p>Фарғона ш. С.Темур кўчаси, 111-уй Тел: (99) 615-68-91 (99) 615-68-92 Х/Р: 20210000203767618001, ИНН 202529457 ОКОНХ 84500 АТБ "Infin bank" Фарғона вилоят филиали МФО: 01128</p> <p>Директор:  А.Иргашев</p> 	<p>«Фарғона вилояти ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасидаги буюртмачи хизмати»</p> <p>Манзил: Фарғона ш. Темирийўлчилар кўчаси, 37 уй. Тел/факс: 224-24-33; 244-52-24 ШХР: 700021860304017086531075016. СТИР: 204 816 336 ИФУТ: 69 000 Фарғона вилояти бўйича ғазначилик ЯҒҲ: 23 402 000 300 100 001 010 Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош қармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ЖККМ) МФО: 00014 Ғазначилик бўлини масининг СТИР: 201 122 919</p> <p>Директор:  Х.Долимов</p> 

Ҳуқуқий хулоса:

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Ҳуқуқшунос: 

